

Абдумутал ҚАМБАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ўлмасбек КАРИМОВ,
Фарғона давлат университети
ўқитувчиси

«АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИХ» ТЎПЛАМИ ҲАДИСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳадис илмининг ривожда олтин давр ҳисобланган ҳижрий учинчи (милодий тўққизинчи) асрда ҳадисшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олти ишончли ҳадислар тўпламининг (ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қилганлар. Яна шуниси диққатга сазоворки, мазкур олти муҳаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий Осиёлик бўлиб, улар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Имом Аҳмад Ан-Насоий, Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язиб ибн Можжа каби сиймолардир. Шулар ичидан “Ҳадис илмида амир ал-мўминин” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк олимдир.

Ўзбек халқининг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб-асраб келаётган ахлоқ-одоб дурдоналарини, бой қадимий меросини, миллий ва диний қадриятларимиз ютуқларини ўрганиш ва унга амал қилиш

ҳамда Имом Ал-Бухорий каби Имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Бобур каби жаҳонга машҳур аллома, мутасаввуфларнинг ахлоқий қарашларидан етарлича фойдаланиш зарурдир.

Янги тараққиёт даврида халқимизнинг тарихий-маданий ва диний қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аجدодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини ва мутасаввуфларнинг ҳадис илми бўйича тўплаган билимларини ўрганиш асосида фуқаролик жамияти куришни ўзининг стратегик мақсади қилиб қўйди. Шундай экан, барарор стратегик тараққиётни ривожлантириш ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадисларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Демак, мустақил Ўзбекистонда камол топаётган ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадисларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда долзарб масалалар қаторига киради.

Мазкур асар “Қадим Бухорои шарифда таваллуд топган буюк ватандошимиз бани одамга қолдириб кетган беназир ва бебаҳо мерос – жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари йиғилган нодир дурдона – “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ёки “Саҳийҳ ал-Бухорий” ислом динида Аллоҳнинг каломи – Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Чунки мазкур асарнинг шарти шуки, исноди албатта муттасил (узлуксиз боғланган) бўлиши, ҳадиснинг ровийси мусулмон киши бўлиб, рост гапириши, фирибгар ва ёлғончи бўлмаслиги, адолат сифатлари билан тасниф этилган бўлиши, вазмин ва хотираси кучли, зеҳни ўткир, ваҳимаси кам, иймон-эътиқоди комил инсон бўлиши керак. Демак, мустақил Ўзбекистонда камол топаётган ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадисларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда долзарб масалалар қаторига киради.

Бугунги кунда ёшларни миллий ва диний руҳда маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Чунки, яхши тарбияланган баркамол шахсларгина инсонларга, оиласига, жамиятига ва давлатига фойдаси тегиши мумкин. Зеро, ҳалқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келаётган ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, глобаллашув жараёни орқали тез сураатларда жамиятимизга кириб келаётган турли хилдаги салбий дунёқарашлар ва ғарб одоб-ахлоқ меъёрлари бизда анъанавий тус олган ахлоқий тарбия билан тўғри келмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шундай экан, ўзбек халқининг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб-асраб келаётган ахлоқ-одоб дурдоналарини, бой қадимий меросини, миллий ва диний қадриятларимиз ютуқларини ўрганиш ва унга амал қилиш ҳамда Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Абдурахмон Жомий, Навоий, Бобур каби жаҳонга машҳур аллома, мутасаввуфларнинг ахлоқий қарашларидан етарлича фойдаланиш зарурдир.

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида сўз кетганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом ал-Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Имом Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадимлар тўплами – “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади.

Имом Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб ҳолига келтирган. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7563 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат.

Имом ал-Бухорий тўпламларига киририлган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзини тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ўғитлар акс эттирилган.

Демак, биринчи ўринда ёш авлодни **“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадислари** асосида тарбиялашнинг асосий омилларига эътиборни қаратамиз. Бунда биз ишонарли тўпладан кераклича мисоллар келтиришимиз мумкин. Жумладан, ёшларда етук инсоний фазилатларни мужассам қилиш учун иймоннинг мукамал

бўлиш уч шартини кўрсатиб беришимиз керак. Булар қуйидагича:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

– киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоқ. Кимки буларни тўла ўзлаштирса, иймони мукамал бўлғайдир.

Ҳадисда таъкидлаганидек, салом бериш ислом амалларидандир. Бизнинг аجدодларимиздан бугунги кунгача етиб келган ва қадриятларимизга айланган бу амал гўзал одоблардан биридир. Бу амалларни бажариш орқали ёшларнинг маънавий тафаккури ва дунёқараши такомиллашиб боради. Саҳоба Аммор айтганлар: учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлғайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағалларга садақа бериб турмоқ.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир киши сўради: “Исломда энг яхши хислатлар қайсидир?” Дедилар: “очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик”. Кўриниб турибдики, ахлокий фазилатлардан бири, солиҳ амаллардан бири бу салом бермоқликдир.

Дунёга машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам ўз даврида Ҳазрати Муҳаммад(с.а.в.)га ҳурмати ва Ислом динига нисбатан ҳайрати натижасида 1909 йилда тасниф этган “Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)” номли асари орқали рус ўқувчиларини Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари билан таништиришга ҳаракат қилган. Ишонч билан айта оламизки, ушбу китобча мусулмон бўлмаган кўплаб китобхонларнинг диний тушунча ва тарбиясига таъсир қилган. Буюк адиб танлаб олган ҳадислари орқали адолат ва тенглик, ҳақиқий қардошлик ва фидойилик, инсонга ҳурмат ва муҳаббат, тўғрисиўзлик, ростгўйлик, илмни севиш каби фазилатлар исломда мавжудлигини ва уларни умрбоқий эканлигини таъкидламоқчи бўлади. Жумладан, ҳадиси шарифда илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим, муслима

учун қарзу фарз дейилади. Шунингдек, улуғ ёзувчининг Елена Векиловага ёзган мактуби Лев Толстойнинг мусулмонликка ва ислом динига муҳаббатини очиқ-ошкор ифода этган. Яна ушбу хатда ёзувчи ислом динининг бошқа динлар тушган ҳолатга тушмаганлиги, Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) тадбиқ этган дин энг сўнгги ва энг мукамал дин эканини таъкидлайди ва бошқа динлардаги ботил жиҳатлар ва хурофотларга диққатни жалб этади[8,18].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга таяниб жамиятда, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда **“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадисларидан** оқилона фойдаланишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

– маданият, маънавият, диний қадриятлар ҳамда ижтимоий идеаллар, урф-одатлар, анъаналар, эътиқод, менталитет, ахлоқ нормалари бўлган **“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадислари** асосида ёшларнинг ички руҳий олами инъикоси эканлигини аниқлаш;

– замонавий ёшлар тарбиясида **“ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадислари** асосида оқилона турмуш тарзини яратиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган давлат аҳамиятига молик бўлган меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида ишларни ташкиллаш;

– шу соҳа мутахассислари бўлган педагог ва тарбиячиларнинг баркамол шахс тарбиясини **“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадислари** асосида шакллантиришдаги инновацион усулларида фойдаланиш масалаларига оид бўлган умумтаълим ва махсус таълимнинг бирлигини таъминловчи ва уларни амалиётга жорий этувчи махсус илмий методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

– ёшларни маънавий-ахлокий ва диний дунёқарашларини ўрганиш учун махсус социологик тадқиқотлар ўтказиш, шу мақсадда **“ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами ҳадислари** асосида анкеталар тузиш, давра суҳбатлар ташкиллаш, кузатишлар олиб бориш каби махсус усуллардан фойдаланиш кабилар шулар жумласидандир.